

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУВАТОВ АСҚАР ҚОРАҚУЛОВИЧ

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ
ИХТИОФАУНАСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қуватов Аскар Қорақулович

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси 3

Куватов Аскар Коракулович

Ихтиофауна водоёмов бассейна реки Чирчик 21

Kuvatov Askar Korakulovich

Ichthyofauna of reservoirs in the Chirchik river basin 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУВАТОВ АСҚАР ҚОРАҚУЛОВИЧ

**ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ
ИХТИОФАУНАСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/B321 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мирзаев Улуғбек Тўраевич биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Камилов Бахтияр Ганиевич биология фанлари доктори, профессор Жумабаев Баходир Ережепович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «13» сентябрь куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б - уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 46 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б - уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2022 йил «29» август куни тарқатилди.

(2022 йил «29» августдаги 4-рақамли реестр баённомаси)

Б.Р. Холматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

А.Э. Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида иқлим ва экологик барқарорликнинг ўзгариши, табиий ландшафтларнинг ўзлаштирилиши биологик хилма-хилликнинг қисқаришига, айрим турларининг бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остига олиб келмоқда. Айниқса, сув экотизимлари ҳолатининг бузилиши, табиий сув режимининг ўзгариши ва ифлосланиши натижасида дарё ва кўлларда тарқалган балиқларнинг яшаш жойларининг қисқариши, кўпайиш шароитларининг ёмонлашиши, ресурсларнинг камайиши, камёб ва ноёб турларини йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, балиқлар фаунаси хилма-хиллигини сақлаш, таркибини аниқлаш, турларини таснифлаш, уларнинг яшаш муҳитини ўрганиш ва тиклаш, мониторингини олиб бориш, овланиш аҳамиятига эга бўлганларидан оқилона фойдаланиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг давлат ҳисоби, ҳажми ва кадастрини шакллантириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда балиқлар хилма-хиллигини сақлаб қолиш, захираларини муҳофаза қилиш ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турлардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан сув ҳавзалари ихтиофаунасининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, балиқларнинг мақоми, тарқалишини ўрганиш, ҳисоби, овланиш ҳажми ва кадастрини юритиш, балиқ ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлашга қаратилган технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш, балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва самарали бошқаришни ташкил этиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, табиий сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга комплекс ёндашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш, бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш эвазига балиқ овлаш салмоғини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорида¹ “Республикада интенсив усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг қўламда жорий қилиш” вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, мамлакатимиз сув ҳавзаларида балиқларнинг замонавий фаунасини ва турлар таркибини аниқлаш, систематик таҳлил қилиш, уларининг

¹ Ўзбекистон республикаси Президентининг 2018 йил 6-ноябрдаги ПҚ-4005-сонли «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

ҳолатини баҳолаш, давлат ҳисоби, ҳажми ва кадастрини юритиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни муҳофаза қилиш ва балиқ ресурсларидан барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ихтиофаунанинг замонавий ҳолатини баҳолаш, тур таркибини аниқлаш, систематик таҳлил қилиш, балиқларнинг морфо-экологик хусусиятларини очиқ бериш борасида хорижлик олимлар: W.N. Eshmeyer (1990), P.L. Fuller et all (1999), J.S. Nelson (2006), M. Kottelat (2012), J.S. Nelson et all (2016) ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ мамлакатларида балиқ турларининг идентификацияси ва тавсифи, тарқалиши, сони, морфологик хусусиятлари, ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш чораларига қаратилган тадқиқотлар Л.С. Берг (1948, 1949), Ф.А. Турдаков (1963), Г.В. Никольский (1971, 1974), А.Н. Решетников (1980), В.П. Митрафанов, Г.М. Дукравец (1989), М.Ф. Вундцеттель (2006), А.М. Прокофев (2017), А.Н. Решетников ва бошқ. (2018) ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда сув ҳавзалари ихтиофаунасининг шаклланиши, турлар хилма-хиллиги, морфологик ва экологик хусусиятлари, иқтисодий аҳамияти бўйича тадқиқотлар Г.К. Камилов (1973), Х.Н. Нуриев (1985), А.А. Аманов (1985), М.А. Абдуллаев, Д.У. Урчинов (1989), Т.В. Салихов (1990), Б. Хакбердиев (1994), У.Т. Мирзаев (1994), Н.К. Атабаева (1997), Э.Э. Хуршут (2006), Б.Г. Камилов (2019), М.А. Юлдашов (2019), М.Ш. Атамуратова (2021) ва бошқа олимлар томонидан келтирилган.

Бироқ, юқорида келтириб ўтилган илмий ишлар айнан Чирчиқ дарёси ва унинг ҳавзаси миқёсида олиб борилмаган, илгариги тадқиқотлар эса, ўтган

асрнинг ўрталарида олиб борилган бўлиб, ҳозирги замонавий ихтиофаунани, турлар таркибини унинг таксономиясини акс эттирмайди. Шунга кўра, балиқларнинг тур таркиби, тақсимланиши, морфологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда муҳофазага муҳтож турларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170920204 «Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий ҳудуди сув ҳавзалари балиқ ресурсларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва улардан барқарор фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, морфологик хусусиятларини очиб бериш, таксономик ревизия қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда кадастрини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган балиқларнинг замонавий фаунасини ва турлар таркибини аниқлаш;

балиқларни дарё оқими бўйлаб тақсимланиши хусусиятларини ўрганиш; балиқларнинг ташқи морфологик хусусиятларини ўрганиш, морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш ва уларнинг ўзгарувчанлик хусусиятларини очиб бериш;

Роецидае оиласи *Gambusia* уруғи вакиллари таксономик ревизия қилиш;

иктисодий аҳамиятга эга бўлган ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларининг кадастрини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган балиқ турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси, балиқларнинг морфологик хусусиятлари, морфометрияси, ҳисоби, ҳажми ва кадастри ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ихтиологик, вариацион-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий ҳолати, турлар таркиби таҳлил қилиниб, балиқлар фаунаси 8 туркум, 16 оила, 38 уруғга мансуб 43 турдан иборат эканлиги аниқланган;

илк бор Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқлар фаунаси сони аввалги маълумотларга нисбатан 5 турга (*Esox lucius*, *Gobio cynocephalus*, *Triplophysa dorsalis*, *Triplophysa coniptera salari*, *Oryzias sinensis*) ортганлиги аниқланган;

иллари Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси таркибида қайд этилган 4 тур балиқ – *Hemiculter lucidus*, *Ictiobus cyprinellus*, *Coregonus sardinella* ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган *Ballerus sapa* ҳозирда учрамаслиги аниқланган;

баликларни Чирчиқ дарёси оқими бўйлаб тақсимланиш хусусиятлари аниқланган ва тоғ зонасида 5 тур, тоғ олди зонасида 5 тур, текислик зонасида 21 ва қуйи оқим зонасида 9 турнинг учраши асосланган;

кўп сонли, эндемик, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларнинг замонавий морфологик хусусиятлари очиб берилган;

морфометрик белгиларнинг юқори даражада ўзгарувчанлиги баликларнинг ҳаракат (локомотор) тизимига боғлиқлиги билан изоҳланган;

илк бор Poecilidae оиласи *Gambusia* уруғи вакиллари таксономик ревизия қилинган ва Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида икки турнинг – *Gambusia affinis* ва *Gambusia holbrooki* учраши аниқланган;

иктисодий аҳамиятга эга бўлган ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларнинг тавсифи, ҳисоби, ҳажми ва кадастри шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган 6 туркум, 9 оила, 17 уруғга мансуб иктисодий аҳамиятга эга бўлган 12 турнинг ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 5 турнинг мақоми (тоифалари) баҳоланган, тарқалиш ареали, тақсимланиши ўрганилган ҳамда муҳофазалаш мезонлари аниқланган;

иктисодий аҳамиятга эга бўлган (*Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Abramis brama orientalis*, *Aspius aspius iblioides*, *Rutilus aralensis*, *Schizothorax eurystomus*, *Silurus glanis*, *Esox lucius*, *Coregonus peled*, *Parasalmo mykiss*, *Salmo ischchan*, *Sander lucioperca*) ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) турларнинг тавсифи, миқдори, табиий тарқалиш координатаси ва муҳофаза чораларини қамраб олувчи кадастри яратилган;

иктисодий аҳамиятга эга бўлган ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турлари хатловдан ўтказилган, мониторинги олиб борилган, табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланишни таъминловчи маълумотлар Миллий геоахборот тизимига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий ихтиологик усулларнинг қўлланилган ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат амалий лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, морфо-диагностик маълумотлар Minitab Statistical дастурида статистик таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларнинг ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқлари фаунасининг ҳозирги замонавий таркибининг аниқланганлиги, таксономик таҳлил қилинганлиги, илгари қайд этилмаган турларнинг аниқланганлиги, баликларнинг морфологик белгиларнинг ўзгарувчанлик хусусиятларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳамда камёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларнинг кадастри яратилганлиги ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларини қўриқлаш, яшаш муҳитини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва ҳимоя қилиш чоратadbирларини ташкил этишга ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланишни таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент вилояти сув ҳавзалари (Чирчиқ, Угом, Чотқол, Пском, Кўксу) балиқларининг кадастри юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 5 майдаги 05/21-1991-сон маълумотномаси). Натижада, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турлари бўйича давлат кадастри объектларини босқичма-босқич хатловдан ўтказишга, мониторингини олиб боришга имконият яратилган ва кадастр маълумотларини геоахборот тизимига киритиш имконини берган;

Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг кадастри юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси Кадастр юритиш тизими амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 12 майдаги 03-02/8-333-сон маълумотномаси). Натижада, кадастр маълумотларини геоахборот тизимига киритишга асос бўлган, шунингдек, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларини қўриқлаш, яшаш муҳитини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва ҳимоя қилиш ишларини ташкил этишга ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланишни таъминлаш имконини берган;

Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасига мансуб 6 туркум, 9 оила, 20 уруғ, 25 турга мансуб жами 785 та балиқ намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 7-сентябрдаги 4/1255-2445-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд балиқлар коллекцияси фондини янги намуналар билан бойитган ва балиқлар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ва турларни систематик таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий ишлар нашр этилган бўлиб, шундан ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон сув ҳавзалари ихтиофаунасининг ўрганилганлик даражаси»** деб номланган биринчи бобида сув ҳавзаларининг ихтиофаунасини ўрганиш даражаси бўйича хориж ва Ўзбекистон олимлари тадқиқотларининг талқини бўйича маълумотлар келтирилган. Бироқ, адабиётлар таҳлиliga кўра Чирчиқ дарёси ҳавзаси балиқларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар тўлиғича амалга оширилмаган ва ихтиофаунанинг замонавий ҳолатини, балиқларнинг тур таркиби, тақсимланиши, мофологик хусусиятларини ўзида акс эттирмайди. Маълумотларнинг тўлиқ бўлмаслиги ихтиофаунанинг замонавий ҳолатини, балиқларнинг тур таркиби ва тақсимланишини баҳолаш, мофологик хусусиятларини ёритиш, шунингдек иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларини хатловдан ўтказиш, мониторингини олиб бориш, балиқ ресурсларидан барқарор фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этиш учун етарли эмаслигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Чирчиқ дарёси ҳавзасининг таснифи, ихтиофаунасини ўрганиш услублари ва материаллари»** деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, унда Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидробиологик ҳолати, ихтиофаунасини тадқиқ қилиш бўйича йиғилган материаллар, маршрут ва стационар тадқиқотлар ўтказилган жойлар ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг гидрологик ва гидробиологик ҳолати бўйича маълумотлар дарёнинг геоморфологик жиҳатдан тоғ ва тоғолди рельефда жойлашганлиги, ундаги гидробионт организмлар ҳам шу муҳитга мослашган турлардан иборатлигини ҳисобга олинган ҳолда ёндашилиб келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунасини тадқиқ қилиш бўйича йиғилган материаллар ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишлари 2019-2021 йиллар давомида Чирчиқ дарёси ва унинг irmoқларида (Угом, Чотқол, Пском, Кўксу) ҳамда Чорвоқ сув омборида олиб борилган. Материаллар йиғиш ишлари дарёнинг тоғли, тоғ олди, текислик ва қуйи қисмларида шартли равишда белгилаб олинган участкаларда амалга оширилди. Ҳаммаси бўлиб 800 дан ортиқ намуналар тўпланган ва таҳлил қилинган.

Ихтиологик тадқиқотларни олиб бориш, балиқларнинг морфометрик белгиларини ўлчаш ва лаборатория шароитида камерал қайта ишлаш И.Ф. Правдин (1966) қўлланмаси асосида амалга оширилди.

Балиқларнинг тур таркиби асосан Л.С. Берг (1948-1949), К.Ф. Кесслер (1872, 1874, 1877), И.М. Мирабдуллаев ва бошқ. (2011), Т. Nakabo (2002) бўйича аниқланди.

Балиқларнинг таксономик рўйхати У.Т. Мирзаев, А.Қ. Қуватов (2020) бўйича келтирилди.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш П.Ф. Рокицкий (1967) бўйича амалга оширилди. Материалга статистик ишлов беришда белгиларнинг ўртача кўрсаткичи (M), унинг хатолиги (m), ўртача квадратик чекланиш (σ) ва вариация коэффиценти ($Cv\%$) ҳисоблаб чиқилди. Белгилар ўртасидаги фарқларни аниқлаш Г.Ф. Лакин (1990) бўйича Стъюдентнинг (t) критерияси асосида амалга оширилди. Барча ҳисоблаш ишлари компьютерда MS Excel маълумотларни таҳлил қилиш тизимида ҳамда Minitab Statistical – v.18.0 (Minitab Inc., 2013: USA) статистик маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва визуализация қилиш дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси ва унинг тақсимланиши**» деб номланган учинчи бобида Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий тур таркибига ва балиқларнинг дарё оқими бўйича тақсимланишига оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Чирчиқ дарёси ҳавзасида 8 туркум, 16 оила, 38 уруғга мансуб 43 балиқ тури аниқланди, шундан, Чирчиқ дарёсида 40 тур, Чорвоқ сув омборида 8 тур қайд қилинди. Маҳаллий балиқлар фаунаси 21 турдан иборат бўлиб, шулардан 16 таси эндемик турлардир. Иқлимлаштирилган балиқлар – 12 турни, иқлимлаштириш туфайли тасодифан келтирилган балиқлар – 10 турни ташкил этади. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган балиқлар 5 турдан (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) иборат. Аниқланган 43 тур балиқлардан 5 турини – *Esox lucius*, *Gobio cynocephalus*, *Triplophysa dorsalis*, *Triplophysa coniptera salari*, *Oryzias sinensis* Чирчиқ дарёси ҳавзаси учун биринчи марта қайд этдик.

Илгари Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида Т.В. Салихов (1990) ва Г.К. Камилов ва бошқ. (1994) томонидан қайд қилинган 3 тур – Уссурия қиррақорини (*Hemiculter lucidus* (Dybowski, 1872)), каттаоғизли буффало (*Ictiobus cyprinellus* (Valenciennes, 1844)) ва Ўзбекистон Қизил китобига

киритилган қоракўз (*Ballerus sapa* (Pallas, 1814)) ҳамда Н.К. Атабаева (1997) томонидан қайд қилинган 1 тур – сибир ряпушкеси (*Coregonus sardinella* Valenciennes, 1847) балиғи ҳозирда ихтиофауна таркибида учрамаслиги аниқланди.

Куйида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида қайд этилган турларнинг руйхати замонавий систематика ва таксономик номенклатура асосида келтирилган.

Chordata типи

Vertebrata кенжа типи

Osteichthyes синфи

Actinopterygii Klein, 1885 кенжа синфи

Neopterygii инфрасинфи

Teleostei бўлими

Euteleostei кенжа бўлими

Ostariophys катта туркуми

Cypriniformes туркуми

Cyprinidae Fleming, 1822 оиласи

Acheilognathinae Bleeker, 1863 кенжа оиласи

Rhodeus Agassiz, 1832 уруғи

1. *Rhodeus ocellatus* (Kner, 1866)

Barbinae Bleeker, 1859 кенжа оиласи

Luciobarbus Heckel, 1843 уруғи

2. *Luciobarbus conocephalus* Kessler, 1872

Squaliobarbinae Rainboth, 1991 кенжа оиласи

Ctenopharyngodon Steindachner, 1866 уруғи

3. *Ctenopharyngodon idella* (Valenciennes, 1844)

Cultrinae Nikolsky, 1950 кенжа оиласи

Hemiculter Bleeker, 1859 уруғи

4. *Hemiculter leuciscus* (Basilewsky, 1855)

Cyprininae Bonaparte, 1831 кенжа оиласи

Carassius Jarocki, 1822 уруғи

5. *Carassius gibelio* (Bloch, 1782)

Cyprinus Linnaeus, 1758 уруғи

6. *Cyprinus carpio* Linnaeus, 1759

Gobioninae Jordan et Fowler, 1803 кенжа оиласи

Abbottina Jordan et Fowler, 1903 уруғи

7. *Abbottina rivularis* (Basilewsky, 1855)

Gobio Cuvier, 1816 уруғи

8. *Gobio cynocephalus* Dybowski 1869

9. *Gobio lepidolaemus* Kessler, 1872

Pseudorasbora Bleeker, 1859 уруғи

10. *Pseudorasbora parva* (Temminck et Schlegel, 1846)

Leuciscinae Bonaparte, 1837 кенжа оиласи

Abramidini Dybowski, 1862 трибаси

- Abramis** Cuvier, 1816 уруғи
11. *Abramis brama* (Linnaeus, 1758) ssp. *orientalis* Berg, 1949
Alburnini Girard, 1859 трибаси
Alburnoides Jeitteles, 1861 уруғи
12. *Alburnoides taeniatus* (Kessler, 1874)
Alburnus Rafinesque, 1820 уруғи
13. *Alburnus oblongus* Bulgakov, 1923
Hypophthalmichthyini Günther, 1868 трибаси
Aristichthys Oshima, 1919 уруғи
14. *Aristichthys nobilis* (Richardson, 1845)
Hypophthalmichthys Bleeker, 1859 уруғи
15. *Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes, 1844)
Leuciscini Bonaparte, 1846 трибаси
Aspius Agassiz, 1832 уруғи
16. *Aspius aspius* (Linnaeus, 1758) ssp. *iblioides* (Kessler, 1872)
Squalius Bonaparte, 1837 уруғи
17. *Squalius squaliusculus* Kessler, 1872
Rutilus Rafinesque, 1820 уруғи
18. *Rutilus aralensis* Berg, 1916
Pelecinae Bogutskaya, 1990 кенжа оиласи
Pelecus Agassiz, 1835 уруғи
19. *Pelecus cultratus* (Linnaeus, 1758)
Rasborinae Günther, 1868 кенжа оиласи
Opsariichthys Bleeker, 1863 уруғи
20. *Opsariichthys bidens* Günther, 1873
Schizothoracinae кенжа оиласи
Gymnodiptychus Herzenstein, 1892 уруғи
21. *Gymnodiptychus kessleri*, Russky, 1888
Schizothorax Heckel, 1838 уруғи
22. *Schizothorax eurystomus* Kessler, 1872
Cobitoidea Swainson, 1839 (emend. Sawada, 1982) катта оиласи
Cobitidae Swainson, 1839 оиласи
Sabanejewia Vladykov, 1929 уруғи
23. *Sabanejewia aralensis* Kessler, 1877
Balitoridae Swainson, 1839 оиласи
Nemacheilinae Regan, 1911 кенжа оиласи
Nemacheilini Swainson, 1839 (emend. nov.) трибаси
Iskandaria Prokofiev, 2009 уруғи
24. *Iskandaria kuschakewitschi* Herzenstein, 1890
Triplophysini Prokofiev 2010 трибаси
Triplophysa Rendahl, 1933 уруғи
25. *Triplophysa coniptera* (Turdakov 1954 ssp. *salari* (Turdakov 1954)
26. *Triplophysa dorsalis* (Kessler, 1872)
27. *Triplophysa elegans* (Kessler, 1874)
28. *Triplophysa strauchi* (Kessler, 1874)

- Siluriformes** туркуми
- Ictaluridae** Gill, 1861 оиласи
- Ictalurus** Rafinesque, 1820 уруғи
28. *Ictalurus punctatus* Rafinesque, 1818
- Siluridae** Cuvier, 1816 оиласи
- Silurus** Linnaeus, 1758 уруғи
30. *Silurus glanis* Linnaeus, 1758
- Sisoridae** Regan, 1911 оиласи
- Glyptosterninae** кенжа оиласи
- Glyptosternon** McClelland, 1842 уруғи
31. *Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889
- Protacanthopterygii** катта туркуми
- Esociformes** туркуми
- Esocidae** Cuvier, 1816 оиласи
- Esox** Linnaeus, 1758 уруғи
32. *Esox lucius* Linnaeus, 1758
- Salmoniformes** туркуми
- Coregonidae** Cope, 1872 оиласи
- Coregonus** Linnaeus, 1758 уруғи
- Leucichthys** Dybowski, 1874 кенжа уруғи
33. *Coregonus peled* (Gmelin, 1789)
- Salmonidae** Cuvier, 1816 оиласи
- Parasalmo** Vladykov, 1972 уруғи
34. *Parasalmo mykiss* (Walbaum, 1792)
- Salmo** Linnaeus, 1758 уруғи
35. *Salmo ischchan* Kessler, 1877
- Acanthopterygii** катта туркуми
- Beloniformes** туркуми
- Adrianichthyidae** оиласи
- Oryzias** Jordan et Snyder, 1907 уруғи
36. *Oryzias sinensis* Chen, Uwa et Chu, 1989
- Cyprinodontiformes** туркуми
- Cyprinodontoidei** кенжа туркуми
- Poeciliidae** Swainson, 1839 оиласи
- Gambusia** Poy, 1854 уруғи
37. *Gambusia affinis* Baird and Girard, 1853
38. *Gambusia holbrooki* Girard, 1859
- Scorpaeniformes** туркуми
- Cottoidei** кенжа туркуми
- Cottidae** Bonaparte, 1831 оиласи
- Cottinae** Bonaparte, 1831 кенжа оиласи
- Cottus** Linnaeus, 1758 уруғи
39. *Cottus jaxartensis* Berg, 1916
- Perciformes** туркуми
- Percoidei** кенжа туркуми

Percidae Cuvier, 1816 оиласи

Sander Oken, 1817 уруғи

40. *Sander lucioperca* (Linnaeus, 1758)

Gobioidei кенжа туркуми

Odontobutidae Hoese et Gill, 1993 оиласи

Micropercops Fowler et Bean, 1920 уруғи

41. *Micropercops cinctus* (Dabry de Thiersant, 1872)

Gobiidae Fleming, 1822 оиласи

Rhinogobius Gill, 1859 уруғи

42. *Rhinogobius brunneus* (Temminck et Schlegel, 1845)

Channoidei кенжа туркуми

Channidae Fowler, 1934 оиласи

Channa Scopoli, 1777 уруғи

43. *Channa argus* (Cantor, 1842)

Чирчиқ дарёсининг юқори қисми – тоғ оқими зонаси балиқ турларининг кам сонлиги билан ажралиб туради. Бу ерда асосан тоғ шароитларида яшайдиган балиқ турлари – *Schizothorax eurystomus*, *Gymnodiptychus kessleri*, *Triplophysa elegans*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis* тарқалган.

Дарёнинг тоғ олди зонаси балиқлари 5 турдан (*Gobio lepidolaemus*, *Iskandaria kuschakewitschi*, *Triplophysa dorsalis*, *Alburnoides taeniatus*, *Squalius squaliusculus*) иборат бўлиб, тоғ оқими зонасида учрайдиган *Schizothorax eurystomus* ва *Triplophysa elegans* ҳам кенг тарқалган.

Дарёнинг текислик зонасида турлар сони кўпаяди ва 21 тани ташкил этади, шундан 16 таси (*Luciobarbus conocephalus*, *Ctenopharyngodon idella*, *Hemiculter leuciscus*, *Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Abbottina rivularis*, *Pseudorasbora parva*, *Hypophthalmichthys molitrix*, *Rutilus aralensis*, *Pelecus cultratus*, *Opsariichthys bidens*, *Siluris glanis*, *Esox lucius*, *Micropercops cinctus*, *Rhinogobius brunneus*, *Channa argus*) қуйи оқим зонасига ҳам кириб боради.

Дарёнинг қуйи оқими зонасини 9 тур (*Gobio cynocephalus*, *Abramis brama orientalis*, *Aristichthys nobilis*, *Aspius aspius iblioides*, *Triplophysa strauchi*, *Oryzias sinensis*, *Ictalurus punctatus*, *Gambusia holbrooki*, *Sander lucioperca*) ташкил этади.

Schizothorax eurystomus дарёда кенг тарқалган бўлиб тоғ, тоғ олди ва текислик зоналарида ҳам учрайди. Шунингдек *Squalius squaliusculus*, *Alburnoides taeniatus*, *Iskandaria kuschakewitschi* дарёсининг тоғ олди зонасидан текислик зонасига, *Gobio lepidolaemus* эса тоғ олди зонасидан қуйи оқим зонасигача ҳам кириб боради.

Диссертациянинг «**Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг морфологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида учровчи камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) ҳамда эндемик турларнинг (*Schizothorax eurystomus*, *Gobio lepidolaemus*, *Iskandaria kuschakewitschi*, *Triplophysa elegans*, *Triplophysa dorsalis*) ташқи морфологик

хусусиятлари, морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлигини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган. Poecilidae оиласи *Gambusia* уруғи вакиллари таксономик ревизия қилинган.

Бобнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида учровчи 5 та камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларнинг (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) ҳамда 5 та эндемик турларнинг (*Schizothorax eurystomus*, *Gobio lepidolaemus*, *Iskandaria kuschakewitschi*, *Triplophysa elegans*, *Triplophysa dorsalis*) ташқи морфологик хусусиятлари ёритилди. Ўрганилган балиқларнинг морфометрик белгилари юқори даражада ўзгарувчанликка эга бўлиб, уларнинг аксарият қисми ҳаракат (локомотор) тизими билан боғлиқ бўлган белгилар сарасига киради.


Бобнинг учинчи бўлимида гамбузия (*Gambusia*) уруғи вакиллариининг таксономик ревизияси келтирилган. Гамбузия уруғи вакиллариини таксономик ревизия қилиш ва турлараро тафовутни аниқлашда асосан эркак индивидлардан фойдаланилди.

Гамбузия уруғи вакиллариини таксономик ревизия қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларимизда натижасида *Gambusia affinis* ва *Gambusia holbrooki* турларининг ташқи морфологияси, диагностика белгилари кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқ қилиши аниқланди.


Gambusia affinis тури *Gambusia holbrooki* туридан елка сузгичидаги шуълалар сонининг (7 та), аналь сузгич қаноти шуълалари сонининг (10 та) биттага камлиги ҳамда аналь сузгич қаноти биринчи чўзилган шуъласининг орқа четидаги (томонидаги) тишчаларининг йўқлиги ёки (айрим индивидларда) жуда кучсиз ривожланганлиги билан ажралиб туради.

***Gambusia holbrooki* Girard, 1859**

Ташқи морфологияси: *D* – II 6, *V* – I 5, *P* – IV 8, *A* – 11, *C* – 22-23, *l.l.* – 31-33. Аналь сузгич қанотидаги биринчи чўзилган шуъласи бўғимларга бўлинган бўлиб тишчалари яхши ривожланган, ҳар бир бўғимдаги тишчалар иккинчи шуъллага қараган, икки қаторли 1-2-3-4 илдизли бўлиб эркин ҳолатда жойлашади. Шуъланинг охириги 13-14 – бўғимларида эса бундай тишчалар бўлмайди. Иккинчи чўзилган шуъласи ҳам *Gambusia affinis* сингари умумий узунликнинг деярли ярмидан бошлаб иккига ажралади: бунда юқориги биринчи палласи тишсиз, бўғимларга бўлинган ва ўрта қисмларида биринчи шуъллага қараган заиф ривожланган илгак чиқаради; пастки иккинчи палласи 5 ёки 6 та яхши ривожланган бўлиб шакли жиҳатидан сут эмизувчи ҳайвонларнинг тишларига ўхшаш, икки қатор бўлиб жойлашган 1-2-3-4 илдизли тишчаларни ҳосил қилади: биринчи ва иккинчи тишчалари 3-4 илдизли бўлиб яхши тараққий этган. Бунда тишчаларнинг асоси битта бўғим бўлиб, эркин ҳолатда чиқиб туради. Иккинчи шуъла пастки палласининг учки қисми яқинида учинчи шуъллага қараган илгак ҳосил қилади. Чўзилган учинчи шуъласи бўғимларга бўлинган, тишчалар ҳосил қилмайди, охириги учки бўғими эса шаклини ўзгартириб ташқи томонга қараган илгакни ҳосил қилади (2-расм).



А




Б

2-расм. *Gambusia holbrooki* турининг чўзилган аналь сузгич шуъласи тузилиши.


А: – А 1-ч.ш. – биринчи чўзилган аналь шуъласи, А 1-ч.ш.:к.р.т. – биринчи чўзилган аналь шуъласидаги кучли ривожланган тишчалар, А 2-ч.ш.:2-а.қ. – иккинчи чўзилган аналь шуъласининг ажралган қисми, А 2-ч.ш.:ю.қ. – иккинчи чўзилган аналь шуъласининг юқори қисми, А 2-ч.ш.:п.қ. – иккинчи чўзилган аналь шуъласининг пастки қисми, А 2-ч.ш.:и.қ.т. – иккинчи чўзилган аналь шуъласидаги икки қаторли тишчалар, А 2-ч.ш.:у.и.т. – иккинчи чўзилган аналь шуъласидаги тўрт илдизли тишчалар, А 3-ч.ш. – учинчи чўзилган аналь шуъласи. **Б:** – А 1-ч.ш.:т.б. – биринчи чўзилган аналь шуъласидаги тишсиз бўғим, А 2-ч.ш.:ю.қ.к.р.и. – иккинчи чўзилган аналь шуъласи юқори қисмидаги кучсиз ривожланган илгак, А 2-ч.ш.:п.қ.к.р.и. – иккинчи чўзилган аналь шуъласи пастки қисмидаги кучли ривожланган илгак, А 3-ч.ш.:к.р.и. – учинчи чўзилган аналь шуъласидаги кучли ривожланган илгак.

***Gambusia affinis* Baird ва Girard, 1853**

Ташқи морфологияси: *D* – II 6, *V* – I 5, *P* – III 8, *A* – 10, *C* – 23-24, *l.l.* – 32. Аналь сузгич қанотидаги биринчи чўзилган шуъласи бўғимларга бўлинган бўлиб тишчалари умуман бўлмайдиган ёки жуда заиф ривожланган бўлади. Иккинчи чўзилган шуъласи умумий узунлигининг деярли ярмидан бошлаб иккига ажралади: бунда юқorigи биринчи палласи тишсиз бўғимларга бўлинган ва ўрта қисмларига бориб биринчи шуълага томон кучсиз ривожланган илгак чиқаради; пастки иккинчи палласи 5 ёки 6 та яхши ривожланган шакли жиҳатидан *Gambusia holbrooki*га ўхшаш, 1-2-3 илдизли айрим ҳолларда асос қисмидан ҳисоблаганда биринчи тишчаси 4 илдизли бўлиши мумкин. Бунда тишчаларнинг асоси битта бўғим, илдизлари эса икки қатор бўлиб, эркин ҳолатда чиқиб туради. Иккинчи шуъла пастки палласининг учки қисмига яқин жойида учинчи шуълага қараб илгак ҳосил қилади. Чўзилган учинчи шуъласи бўғимларга бўлинган, тишчалар ҳосил қилмайди, охириги учки бўғими эса шаклини ўзгартириб ташқи томонга қараган илгакни ҳосил қилади (3-расм).



А



Б

3-расм. *Gambusia affinis* турининг чўзилган аналь сузгич шуъласи тузилиши.

А: – *A 1-ч.ш.* – биринчи чўзилган аналь шуъласи, *A 1-ч.ш.:к.р.и.* – биринчи чўзилган аналь шуъласидаги кучсиз ривожланган тишчалар, *A 2-ч.ш.:2-а.қ.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласининг ажралган қисми, *A 2-ч.ш.:ю.қ.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласининг юқори қисми, *A 2-ч.ш.:п.қ.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласининг пастки қисми, *A 2-ч.ш.:и.қ.т.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласидаги икки қаторли тишчалар, *A 2-ч.ш.:у.и.т.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласидаги уч илдизли тишчалар, *A 3-ч.ш.* – учинчи чўзилган аналь шуъласи. **Б:** – *A 1-ч.ш.:т.б.* – биринчи чўзилган аналь шуъласидаги тишсиз бўғим, *A 2-ч.ш.:ю.қ.к.р.и.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласи юқори қисми кучсиз ривожланган илмоғи, *A 2-ч.ш.:п.қ.к.р.и.* – иккинчи чўзилган аналь шуъласи пастки қисми кучли ривожланган илмоғи, *A 3-ч.ш.:к.р.и.* – учинчи чўзилган аналь шуъласидаги кучли ривожланган илмоқ.

Gambusia уруғи вакиллари бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлилларга кўра, турлараро асосий фарқ уларнинг аналь сузгичидаги чўзилган шуълаларининг шакли ва улардаги тишчаларнинг бор ёки йўқлиги ҳамда улар шаклининг турли хиллигида намоён бўлиши билан изоҳланади. *Gambusia affinis* тури *Gambusia holbrooki* туридан елка ва аналь сузгич қанотларидаги шуълалари, ён чизигидаги тангачалари сони ҳамда аналь сузгич қаноти биринчи чўзилган шуъласининг орқа четидаги (томонидаги) тишчаларининг йўқлиги ёки (айрим индивидларда) жуда кучсиз ривожланганлиги билан фарқланади.

Роецилидае оиласи *Gambusia* уруғи вакиллари таксономик ревизияси Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида икки турнинг – *Gambusia affinis* ва *Gambusia holbrooki* учрашини исботлади.

Диссертациянинг «**Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқларининг кадастри**» деб номланган бешинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида учровчи Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги 5 турнинг (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 12 турнинг (*Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Abramis brama orientalis*, *Aspius aspius iblioides*, *Rutilus aralensis*, *Schizothorax eurystomus*, *Silurus glanis*, *Esox lucius*, *Coregonus peled*, *Parasalmo mykiss*, *Salmo ischchan*, *Sander lucioperca*) тарқалиши, учраш координаталари, тақсимланиши,

уларнинг сони, шунингдек яшаш муҳитининг хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи ва иккинчи бўлимлари бир-бирига боғлиқ бўлиб, ушбу бўлимларда Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида учровчи иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турлар ҳамда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар бўйича кадастр маълумотлари келтирилган.

Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган 6 туркум, 9 оила, 17 уруғга мансуб 17 та балиқ турининг жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги 5 турнинг (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 12 турнинг (*Carassius gibelio*, *Cyprinus carpio*, *Abramis brama orientalis*, *Aspius aspius iblioides*, *Rutilus aralensis*, *Schizothorax eurystomus*, *Silurus glanis*, *Esox lucius*, *Coregonus peled*, *Parasalmo mykiss*, *Salmo ischchan*, *Sander lucioperca*) мақомлари (тоифалари) баҳоланди. Турларнинг тарқалиш ареали, тақсимланиши, сони ва миқдори аниқланди ҳамда муҳофаза чоралари белгиланди, тавсифи, ҳисоби, ҳажми ва кадастри шакллантирилди.

Камёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган балиқ турларнинг сонини ҳисобга олиш, уларни иқтисодий баҳолаш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида балиқларнинг 17 та учраш жойини акс эттирувчи ГАТ хариталари ишлаб чиқилди. Ахборот-таҳлилий маълумотлар базасига киритиш учун турларнинг умумлаштирилган тавсифи тайёрланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари кадастр юритиш тизими амалиётига жорий қилинди. Натижада, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турлари бўйича давлат кадастри объектларни босқичма-босқич хатловдан ўтказишга, мониторингини олиб боришга замин яратилди ва кадастр маълумотларини геоахборот тизимига киритишга асос бўлди. Шунингдек, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларини кўриқлаш, яшаш муҳитини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва ҳимоя қилиш ишларини ташкил этишга ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланишни таъминлашга имкон яратилди.

ХУЛОСАЛАР

“Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларининг ихтиофаунаси” мавзусидаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунасининг замонавий ҳолати, турлар таркиби, таксономияси таҳлил қилиниб, 8 туркум, 16 оила, 38 уруғга мансуб 43 тур балиқнинг учраши аниқланди.

2. Илк бор Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари балиқлари фаунаси 5 турга – *Esox lucius*, *Gobio cynocephalus*, *Triplophysa dorsalis*, *Triplophysa coniptera salari*, *Oryzias sinensis* кўпайганлиги аниқланди.

3. Чирчиқ дарёси сув ҳавзалари ихтиофаунаси таркибида илгари мавжуд бўлган 4 тур балиқ – *Hemiculter lucidus*, *Ictiobus cyprinellus*, *Coregonus sardinella* ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган *Ballerus sapa* ҳозирда учрамаслиги аниқланди.

4. Дарё оқими бўйлаб балиқларнинг тақсимланиши тоғ, тоғ олди, текислик ва қуйи зоналар бўйича таҳлил қилинди ҳамда тоғ зонасида 5 тур, тоғ олди зонасида 5 тур, текислик зонасида 21 ва қуйи оқим зонасида 9 турнинг учраши аниқланди.

5. Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган (*Luciobarbus conocephalus*, *Alburnus oblongus*, *Sabanejewia aralensis*, *Glyptosternon oschanini*, *Cottus jaxartensis*) ҳамда эндемик (*Schizothorax eurystomus*, *Gobio lepidolaemus*, *Iskandaria kuschakewitschi*, *Triplophysa elegans*, *Triplophysa dorsalis*) турларнинг ташқи морфологик хусусиятлари очиб берилди.

6. Морфометрик белгиларнинг юқори даражада ўзгарувчанлиги балиқларнинг ҳаракат (локомотор) тизимига боғлиқлиги билан изоҳланд.

7. Илк бор Роецилидае оиласи *Gambusia* уруғи вакиллари таксономик ревизия қилинди ва Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида икки турнинг – *Gambusia affinis* ва *Gambusia holbrooki* учраши исботланди.

8. *Gambusia affinis* ва *Gambusia holbrooki* ўртасидаги турларо асосий фарқ аналь сузгичидаги 3-4-5 – чўзилган шуълаларининг шакли, улардаги тишчаларнинг бор ёки йўқлиги ҳамда улар шаклининг турли хиллигида намоён бўлиши билан изоҳланди.

9. Чирчиқ дарёси сув ҳавзаларида тарқалган 6 туркум, 9 оила, 17 уруғга мансуб иқтисодий аҳамиятга эга бўлган 12 турнинг ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 5 турнинг ҳолати баҳоланди ва турларнинг тавсифи, миқдори, табиий тарқалиш координатаси ва муҳофаза чораларини қамраб олувчи кадастри яратилди.

10. Камёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турларнинг рақамли давлат кадастрини тизимли юритиш ва Миллий геоахборот тизимга киритиш мақсадида балиқларнинг 17 та учраш жойини акс эттирувчи ГАТ хариталар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019. В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ

КУВАТОВ АСКАР КАРАКУЛОВИЧ

ИХТИОФАУНА ВОДОЕМОВ БАСЕЙНА РЕКИ ЧИРЧИК

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (Ph.D.) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/B321.

Диссертация выполнена в Институте зоологии АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Мирзаев Улугбек Тураевич
кандидат биологических наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Камилов Бахтияр Ганиевич
доктор биологических наук, профессор

Жумабаев Баходир Ережепович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится 13 сентября 2022 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232⁶. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № 46). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232⁶. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан «29» августа 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 4 от «29» августа 2022 года)

Б.Р. Холматов

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор

Г.С. Мирзаева

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

А.Э. Кучбоев

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время изменение климата и экологического равновесия в мировых масштабах, освоения естественных ландшафтов приводит к сокращению биологического разнообразия, а также полному исчезновению некоторых видов. Особенно, в результате нарушения состояния водных экосистем, изменения естественного водного режима и загрязнения вызывает сокращение мест обитания рыб распространённых в реках и озерах, ухудшение условий размножения, истощение ресурсов, исчезновение редких и исчезающих видов. Поэтому, сохранение разнообразия фауны рыб, определение видового состава, описание видов, изучение и восстановление мест их обитания, ведение их мониторинга, рациональное использование промысловых видов, охрана редких и находящихся под угрозой исчезновения видов, а также формирование их государственного учёта, объёма и кадастра имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по сохранению разнообразия рыб, охране их запасов и рациональному использованию экономически значимых видов рыб. В этой связи, особое внимание уделяется оценке современного состояния ихтиофауны водоемов, изучению состояния, распределения и ведению учета, объёма вылова и кадастра рыб, разработке технологий, направленных на обеспечение устойчивого использования рыбных ресурсов.

В нашей республике уделяется большое внимание дальнейшему развитию рыбной отрасли, обеспечению рационального использования рыбных ресурсов и организации их эффективного управления, охране биологического разнообразия, комплексному подходу при решении задач связанных с размножением рыб в естественных водоёмах. В этой связи, разработаны мероприятия по развитию естественного и искусственного рыбоводства, коренному усовершенствованию системы их управления, рациональному использованию рыбных ресурсов, увеличение объёма вылавливаемой рыбы за счёт увеличения их продуктивности. В частности, в Постановлении Президента «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбоводческой отрасли»¹ определены задачи «Поэтапное упорядочение производства рыбы интенсивным методом, поощрение работы в данном направлении, эффективное использование имеющихся водных ресурсов, широкое внедрение в данную отрасль инновационных идей, исследовательских разработок, современных технологий и научных достижений в этой области, а также дальнейшей поддержки рыбной промышленности». Исходя из этих задач, в частности, оценка состояния видов рыб, обитающих в водоемах нашей республики, ведение их государственного

¹ Постановления Президента Республики Узбекистан от 06.11.2018 г. № ПП-4005 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбоводческой отрасли»

учёта, объёмов и кадастра, разработка мероприятий по устойчивому использованию рыбных ресурсов имеет большое научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению поставленных задач предусмотренных Законом Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» от 19 сентября 2016 года, Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-2939 «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью» от 01 мая 2017 года, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 914 «О ведении государственного учёта, учёта объёмов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПК-484 «Об утверждении Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы» от 11 июня 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлением развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по оценке современного состояния ихтиофауны, определению видового состава, систематическому анализу, выявлению морфоэкологических особенностей рыб проводились зарубежными учеными: W.N. Eshmeyer (1990), P.L. Fuller et all (1999), J.S. Nelson (2006), M. Kottelat (2012), J.S. Nelson et all (2016) и другими учеными проводились научные исследования.

В странах СНГ исследования, направленные на идентификации и описание видов рыб, распространение, численность, морфологических особенностей, рационального использования ресурсов и мера охраны приведены в работах Л.С. Берга (1948, 1949), Ф.А. Турдакова (1963), Г.В. Никольского (1971, 1974), А.Н. Решетникова (1980), В.П. Митрафанова, Г.М. Дукравца (1989), М.Ф. Вундцетелья (2006), А.М. Прокофьева (2017), А.Н. Решетникова и др. (2018) и других ученых.

Исследования по формированию ихтиофауны водоемов Узбекистана, видовому разнообразию, морфологической и экологической особенностей, хозяйственному значению приведены Г.К. Камиловым (1973), Х.Н. Нуриевым (1985), А.А. Амановым (1985), М.А. Абдуллаевым, Д.У. Урчиновым (1989), Т.В. Салиховым (1990), Б. Хакбердиевым (1994), У.Т. Мирзаевым (1994), Н.К. Атабаевой (1997), Е.Е. Хуршутлом (2006), Б.Г. Камиловым (2019), М.А. Юлдашовым (2019), М.Ш. Атамуратовой (2021) и другим ученым.

Однако, указанные выше научные работы не проводились в масштабах реки Чирчик и ее бассейна, а предыдущие исследования проводились в

середине прошлого века, и не отражают текущую современную ихтиофауну, видовой состав и их таксономию. Поэтому, изучение видового состава, распределения, морфологических особенностей рыб, а также разработка и внедрение способов выявления видов, нуждающихся в охране, имеют важное научное и практическое значение.

Связь темы диссертационного с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института зоологии в рамках прикладного проекта ПЗ-20170920204 по теме «Оценка современного состояния рыбных ресурсов водоёмов Северо-Восточной зоны Узбекистана, и разработка научно-обоснованных рекомендаций по устойчивому их использованию» (2018-2020).

